




ТОШКЕНТ



XVI сароси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

Мамлакатимизда

• **Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши**нинг Қарори билан парламентнинг навбатдаги олтинчи сессиясига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича тузилган депутатлар ишчи гуруҳи ўзининг биринчи йиғилишини ўтказди.

• Аввал хабар бериб ўтганимиздек, 2001 йил 29 июлда 14 та сайлов округларида бўшаб қолган ўринларга Олий Мажлис депутатларининг сайлови бўлиб ўтди. Тегишли округ сайлов комиссияларидан олинган дастлабки маълумотларга кўра, сайлов округларидаги сайловларда жумладан 10-Чуқурсой сайлов округида рўйхатга киритилган сайловчиларнинг 81,3 фоизи овоз беришда иштирок этдилар. Сайлов якунлари тўғрисидаги тўлиқ ахборот, сайланган Олий Мажлис депутатлари Марказий сайлов комиссияси томонидан рўйхатга олинганларидан сўнг, республика оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади.

• Банкротлик ва санация масалалари бўйича ҳукумат комиссиясининг бўлиб ўтган йиғилишида жорий йилнинг биринчи ярмида иқтисодий ночор корхоналарни молиявий соғломлаштириш ва истиқболсиз корхоналарни тугатиш бўйича олиб борилган ишлар якунлари муҳокама этилди.

• Назорат органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича республика кенгашининг навбатдаги мажлисида жорий йилнинг биринчи ярмида республика назорат идоралари томонидан ўтказилган текширувларни мувофиқлаштириш натижалари кўриб чиқилди.

• Давлат божхона қўмитасининг навбатдаги кенгайтирилган хайъат йиғилишида асосий эътибор мазкур муассасанинг жорий йил биринчи ярмидаги иш якунлари ва давлатимиз раҳбари Ислам Каримовнинг Вазирлар Маҳкамаси мажлисида сўзлаган нутқидан келиб чиқадиган вазифаларга қаратилди.

• Олий ҳўжалик судининг навбатдаги пленумида ҳўжалик судларининг 2001 йил дастлабки ярим йилдаги иш фаолияти якунлари ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг яқинда бўлиб ўтган мажлисида Президент Ислам Каримов томонидан белгилаб берилган устувор йўналишлар асосида одил судлов сифатини ошириш, қонунийликни мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари муҳокама қилинди.

• Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда Хоразм вилояти аҳолисига амалий ёрдам кўрсатиш ва сув тақчилиги оқибатларини баҳолаш бўйича махсус ҳукумат комиссиясининг навбатдаги йиғилишида Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарорининг амалга оширилиши ва ижросига доир чора-тадбирлар муҳокама этилди.

• Учқудуқ шаҳрида замонавий сўт заводи фойдаланишга топширилди. Бу ерда Исроилнинг замонавий технологияси ёрдамида бир кеча-кундузда 10 тонна сўт қайта ишланиб, 16 турдаги маҳсулот ишлаб чиқарилади.

• **Бугун** республикамиз олий ўқув юртиларида тешт шаклидаги қабул синовини бўлиб ўтмоқда. Ўзбекистоннинг 61 та олий ўқув юртига ҳужжат топширган 270 мингдан ортиқ ёш талабалар бахти учун тешт синовидан ўтмоқда.

• Асакада пахтачилик илмий-тадқиқот институтининг сайёр мажлиси бўлди. Мажлис қатнашчилари туман ҳўжаликларига бориб пахта селекцияси соҳасидаги илмий-тадқиқот ишларини муҳокама қилдилар.

• **Бугун** Самарқандда «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг вилоят кенгаши ташаббуси билан ободонлаштириш кунлари бошланди.

• Пойтахт вилоятининг Бўстонлик туманидаги Амир Темур номидаги соғломлаштириш масканида Мустақилликнинг 10 йиллигига бағишланган «Чорвоқ-2001» болалар бадий танлови анъанавий экологик фестивали бўлиб ўтди.

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

ОҚШОМ

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган № 89 (9.586) 2001 йил 1 август, чоршанба Сотувда эркин нархда

10 **Шу азиз Ватан — барчамизники!**



◆ Собир Раҳимов тумани ҳудуди 3,45 минг гектарни ташкил қилади. Унда 281 минг киши истиқомат қилади.

◆ Туманда «Оникс», «Компрессор», Агрегат заводи, «Тошкентмобель», «Тола» каби акциядорлик жамиятлари сифатида фаолият юритаётган 32 йирик саноат корхонаси мавжуд. Бундан ташқари «Уздиробита», «Шоштранс», «Осиё-батарея», «УМТ-радио» каби жами 105 кўшма корхона ҳам фаолият юрймоқда.

◆ Шу йилнинг биринчи ярми якунлари бўйича туманда 7 миллиард 614 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. Бунда кичик ва ўрта бизнес корхоналарининг улуши 22 фоизга тенг бўлди. Шунингдек, туманининг ташқи иқтисодий ривожланиши ҳам самарали бўлмоқда — айти шу вақтгача маҳсулот экспорти 2 миллион доллардан ошди.

◆ Туманда 38 та поликлиника, 70 та дорихона, 3 та тугруқхона, шунингдек 36 та мактаб, 4 та академик лицей, 2 та касб-хунар коллежи бор. Шунингдек, Ўзбекистон Миллий университети, Тошкент Давлат техника университети ва 2-Тошкент Давлат тиббиёт институти ҳам шу туман ҳудудида жойлашган.

◆ Туман аҳолисига катта «Оймома» истироҳат боғи, бир неча кичик дам олиш масканлари, 10 та кутубхона, 2 та кинотеатр, 2 та мусиқий мактаб, Ёш томошбинлар театри, 2 та бозор, 5 та стадион, 6 та сузиш ҳавзаси, 54 та спорт зали, 10 та теннис мажмуаси хизмат кўрсатмоқда.

◆ Туманда 97 кўчани қамраб олган 56 маҳалла бор.

Собир Раҳимов тумани

КЕЧА, БУГУН, ЭРТАГА



◆ Собир Раҳимов тумани ҳақидаги мақолалар билан газетанинг 2-бетидеги махсус саҳифада танишасиз.

ПОЙТАХТНИНГ БИР КҮНИ

Янгиликлар, воқеалар



СУРАТЛИ ЛАВҲА

Қурувчилар ғайрати

Пойтахтимизнинг кўркам ва обод бўлишида, замонавий уй-жой биноларию мухташам иморатларнинг қад ростлашида эртаю кеч тиним билмаётган бунёдкорларнинг ҳиссаси каттадир.

Саратоннинг жазирамасида ҳам ўзларининг баракали меҳнатлари билан бунёдкорлик ишларини авж олдираётган, шаҳримиздаги кўплаб оилаларга янги уй қувончини бахш этаётган қурувчилар касб байрамлари ва энг улуғ, энг азиз мустақиллик шодиёналарини ёруғ юз билан кутиб олишмоқда.

Уларнинг ғайрат-шижоати билан шаҳримизнинг Элбек кўчасида ҳам бир неча кўп қаватли шинам турар-жой бинолари қад ростламоқда. Айниқса, ушбу қурилиш майдонидеги 1- ва 2-уйларни бунёд этаётган «Уртаосиётрансқурилиш» трестига қарашли 3-қурилиш-монтаж поездининг 100 нафардан зиёд қурувчилари ўзгача ғайрат кўрсатишмоқда. Уларнинг меҳнати самараси бўлган 2-уйда охириги пардоз юмушлари бажарилаётган бўлса, 1-уйнинг 4-қавати тикланмок-

да. Ҳар бири 16 хонадонга мўлжалланган ушбу уйлар Аналар ва болалар йиллида хонадон эгаларига муносиб туҳфа бўлади. Шу боис ҳам бунёдкорлар ўз маҳоратларини кўрсатиб уйларни тез, шу билан бирга сифатли қилиб фойдаланишга топширишга интилишмоқда. Ҳар бир қурувчи ўзига топширилган вазифани сидқидилдан адо этмоқда.

Дилдора **ҒАНИЕВА**

СУРАТДА: турар-жой бинолари кўрсатишда ғайрат кўрсатаётган қурувчилар (чапдан) — гишт терувчи Ғайрат Матнӣёзов, бригада бошлиғи Душан Сапарбоев, тикловчи Александр Попов, электр пайвандчи Дмитрий Файзиевлар.

Техник **Нигматуллин**

TRANСПОРТ

Ижобий натижалар

«Тошшаҳарйўловчитранс корхонаси» Давлат уюшмасига қарашли «2-автобус саройи» ҳиссадорлик жамияти жамоаси тадбиркорлик билан иш юрймоқда.

Кейинги йилларда саройнинг кўриниши тубдан ўзгарди. Қатор бунёдкорлик ишлари олиб борилди.

— Мавжуд бешта цехимиз қайта жиҳозланди, — дейди сарой раҳбари Хабибулла Турсунов. — Бир неча пармалаш дастгоҳлари олиниб, улар мотор цехига ҳамда бош механика бўлимига ўрнатилди. Эндиликда «ЯМЗ — 236» русумли двигателларни ўрнатиш ва бўшатишда махсус мосламалардан фойдаланилмоқда.

Корхонага кирверишда назорат-ўтказиш пункти ишга тушиши билан транспорт воҳиталарининг корхонага кириб-чиқиш ҳисоб-китоби аниқ йўлга қўйилди. Кўрилатган бу ва шунга ўхшаш бошқа муҳим тадбирлар ўз ижобий натижаларини бермоқда. Шу йилнинг ўтган олти ойида режалар ошириб бажарилди. Шу сабабли ҳам мазкур сарой давлат уюшмаси томонидан энг яхши корхона жамоаси деб топилди.

Азиз **АХМЕДОВ**

ТАЪЛИМ

Янги шохобчалар

Кейинги йилларда Тошкент электротехника алоқа институти республика вилоят электр алоқа корхоналари ва таъминотлари билан ўзаро ҳамкорлиги янада мустаҳкамланди. Бу эса олий ўқув юрти кафедраларининг жойларда бир неча шохобчаларини очиб унустажам замин яратди.

Тошкент телемаркази, Тошкент телефон-телеграф станцияси ҳамда Тошкент шаҳар телефон тармоқларида ташкил топган кафедра шохобчалари фаолияти яхши йўлга қўйилмоқда. Янги ўқув йилида Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги фан-техника ва маркетинг тадқиқотлари марказида яна қатор шохобчалар иш бошлайди. Ҳозир бу борада катта тайёргарлик ишлари олиб борилмоқда.

Ақбар **АЛИЕВ**

САҲОВАТ

Маҳалла кўмаги билан

Юнусобод туманидаги «Обод» маҳалласи ҳудудида жойлашган «Бойчек» болалар боғчаси намунали тарбия муассасасига айланб қолди. 140 нафар ўғил-қизни ўз бағрига олган бу боғча фаолиятини яхши йўлга қўйишда «Обод» маҳалла қўмитасининг ҳам муносиб ҳиссаси бор, албатта.

Кичиктинларни Тошкент хайвонот боғига экскурсияга

транспортда олиб боришни ҳам маҳалла ўз зиммасига олди.

Қўмита ҳомий сифатида ҳам боғчага яқиндан кўмак бермоқда.

Янги ўқув йили арафасида маҳалладаги кам таъминланган оилаларнинг икки нафар фарзанди боғчага жойлаштирилмадиган бўлди. Боғча пулини маҳалла тўлайди.

Аҳад **АБЛОЕВ**

ҚИСҚА САТРАРДА

• **ЮНУСОБОД** туманидаги Фани Мавлонов ва Хидир Алиев кўчалари кесишган ҳудудда бунёдкорлар томонидан хусусий шифохона қуриб битказилди. Туман ҳокимлиги ва соғлиқни сақлаш бўлими ташаббуси билан ўтказилган янги давлатиш масканининг очилиш маросимига ташриф буюрган меҳмонлар бу воқеа истиқлолнинг 10 йиллик айёмига муносиб туҳфа эканлигини таъкидладилар.

• **МИРОБОД** туманидаги мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилотидеги туман Маънавият ва маърифат маркази билан ҳамкорликда бўлиб ўтган «Миллий истиқлол гоюси: асосий тушуна ва тамойиллар ҳамда Ўзбекистоннинг иқтисодий омиллари» мавзудаги илмий-амалий семинар истиқлолнинг 10 йиллигига бағишланди.

• **ОНАЛАР** ва болалар йилига бағишлаб Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигида Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти билан ҳамкорликда ўтказилган тиббиёт ходимлари иштирокидаги ўқув семинари «Ҳамширалик таълими ва ҳамширалик ишдаги қўнчилик асослари» деб номланди.

• **ЭКОСАН** жамғармасида фаоллар иштирокида бўлиб ўтган йиғилиш жамғарма томонидан жорий йилнинг 6 ойи мобайнида бажарилган ишлар ва келгусида қилиниши лозим бўлган вазифалар тахлилига бағишланди.

• **РЕСПУБЛИКА** электр станцияларининг 20 фоиз қувватини берувчи Тошкент гидроэлектр станциясида айна кунларда 12 та блок ишлаб турибди. Истиқлол муносабати билан ушбу гидроэлектр станцияси хориж, жумладан Қозғистон, Россия, Қирғизистон ГРЭСлари билан ҳамкорлик алоқаларини янада мустаҳкамламоқда.

МАТБАА

Мўъжаз ижодий чизгилар

Ўзбекистон мустақиллигининг 10 йиллигига бағишлаб чоп этилаётган нашрлар китобхоналарда яхши таассурот қолдирилмоқда. «Ўзбекистон маданияти намояндлари» деб номланган тўпلام ҳам қизиқлиқ билан ўқилади.

Китобни варақлаган ўқувчи ушбу нашр орқали мусиқа, тасвирий санъат, рақс, меъморчилик соҳасида бара-

кари ижод қилган санъаткорларнинг ижодий йўли тўғрисида ҳам яхши тасаввур ҳосил қилади.

Ушбу мўъжаз ижодий чизгилар жамланган тўпلام Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти томонидан кенг ўқувчиларга мўлжаллаб чиқарилди.

Анвар **ВАЛИЕВ**

Навбатдаги тура

КЕЧА

Мамлакат X миллий чемпионатининг ўтказилган 20-турида футбол ишқибузлари «Пахтакор» жамоасидан муҳим ғалабани қўтишгани аниқ. Чунки аввалги турда «Бухоро»ни енгган тошкентликлар қолган ўйинларда фақат ғалаба қозонсалар чемпионликка муқаррар давоғарлик қилишлари мумкин эди. Бирок...

«Қизилқум» футболчиси Муртазоев 5-дақиқадаёқ мезбонлар дарвозаси томон белгиланган 11 метрлик жарима тўпини аниқ бажарди. Биринчи бўлим якунлашишга санокли сониялар қолгандагина пахтакорчи Нейматилла Қуттибоев меҳмонлар дарвозасига жавоб тўпини кирита олди.

Иккинчи бўлимда майдон эгалари қанча кўп ҳужум қилишмасин, «Қизилқум» дарвозасини сира ишгол эта олишмади. Аксинча, Арслон Толипов тошкентликлар дарвозабонини доғда қолдириб «Қизилқум»га ғалаба келтирган голни йўллади. Учрашув 1:2 ҳисобида меҳмонлар ғалабаси билан тугади.

Қолган учрашуларда куйидаги натижалар қайд этилди: «Семург» — «Насиф» 2:3, «Навбахор» — «Сурхон» 7:1, «Металлург» — «Бухоро» 2:0, «Дўстлик» — «Андижон» 5:1, «Кимёгар» — «Нефтчи» 0:2, «Зарафшон» — «Сўғдиёна» 3:0, «Турон» — «Самарқанд-Динамо» 1:1.

Навбатдаги тур учрашувлари 8 август кунини бўлиб ўтади.

Ақбар **ЙҮЛДОШЕВ**

Жаҳонда

• **Бугун** Сочида МДХ мамлакатлари раҳбарларининг икки кунлик олий даражадаги норасмий учрашуви очилди. Унда хавфсизлик ва халқаро терроризмга қарши кураш муаммоларини муҳокама қилиш кўзда тутилган.

• Европа Иттифоқининг ташқи сиёсат ва хавфсизлик бўйича олий вакили Х.Солана Киевга келди. Бу ерда у Украина ҳукуматининг раиси билан учрашди. Сўнг Х.Солана Киевга Украина Президенти Л.Кучма билан Симферополда музокаралар олиб борди. Х.Солана ташрифининг асосий мақсади Украина ва Европа Иттифоқининг сентябрь ойига белгиланган саммитига тайёргарликдир.

• **Кеча** Душанбеда Тожикистон Президенти И.Раҳмонов Халқаро валюта фонди делегациясини қабул қилди. Қабул пайтида республика иқтисодийини қайта тиклаш учун эҳтимоли кўзда тутилган кредитларни ажратиш масалалари муҳокама қилинди.

• **Бугун** Озарбайжонда лотин алифбосига расмий равишда ўтиш амалга оширилиши керак.

• Македония жанубидаги Охрид шаҳрида славян ва албан партиялари раҳбарларининг музокаралари бўлиб ўтмоқда. Бирок бу музокаралар ҳозирча ўз натижасини бермапти.

• Рейтер агентлигининг хабар беришича, БМТ Хавфсизлик Кенгаши Толибон кўчаларига қарши жорий этилган ҳазо чораларини қучайтириш мақсадида янги қарор ишлаб чиқмоқда. Унга мувофиқ 5 кишидан иборат кузатувчилар гуруҳи ва инспекторлар Афғонистон билан чегарадош давлатларда туриб, қарорнинг амалга оширилишини назорат этадилар. Толибонларнинг ўзи эса мамлакатга номуслимон маданиятга тегишли нарсаларнинг киришини таъқиқламоқдалар.

• Россия Федерацияси Ички ишлар вазирини Б.Гризов бундан буён ички ишлар органларининг иши жиноятларнинг очилиш даражаси билан эмас, балки жиноятларни рўйхатга олиш миқдори билан баҳолашини айтди.

• Буюк Британияга яна оқсил касалиғи хавф солаётганлиги тўғрисидаги шубҳалар Уэлсда қўйлар махсус текширув-синовдан ўтказилганда ўз тасдиғини топди, деб хабар беради РИА «Новости» агентлигининг мухбири. Синов натижаларига кўра, яна 2 минг бош қўй қириб ташланмоғи лозим. Ўтган ҳафтининг охирида 4 минг бош қўй оқсил вирусини билан касалланган деб топилган ва йўқ қилинган эди.

• Хитой маъмурилар шарқий Хитойда жойлашган Цзянсу вилоятидаги Сюйчжоу кўмири қонида 92 кончи қурбон бўлганлигини тасдиқладилар. Кон ичида 105 нафар шахтёр қамалиб қолган эди. Улардан фақат 13 киши қутқариб қолинди, холос. Ҳозир ҳалокат келиб чиқиши юзасидан текширув ишлари олиб борилмоқда.

Пойтахтимизнинг Талабалар шаҳарчасида ёшлар ҳокимлиги тузилиб, бугунги кунда у ўз фаолиятини ёшлар бўйича барча масалаларни ижобий ҳал қилишга эришмоқда.



«Ёшлик» шаҳарчасининг ибратли ишлари

«Ёшлик» шаҳарчасида талабалар учун долзарб ҳисобланган ижтимоий-иқтисодий масалалар ҳар томонлама амалий ечимини топиши учун барча шароитлар яратилган. Фикримизнинг д라или сифатида ёшлар ҳокимлиги номига тушган аризалар эмас, балки кўпроқ уларда кўрсатилган барча илтимосномалар (айнан шундай!) тезлик билан қондирилётганини айтиб ўтиш мумкин. Ҳақиқатан ҳам аризалар асосан моддий ёрдам кўрсатиш билан боғлиқ экан. Ўз-ўзидан қайси маблаглар ҳисобига ҳокимлик бу илтимосларни қондиради, деган савол туғилади.

— Маълумки, бу шаҳарчада асосан ётоқхоналарда жойлашган талабалар, шу жумладан оилали ёшлар истиқомат қилади, — деди «Ёшлик» шаҳарчаси ҳокими Аъзам Акромхўжаев. — Ёни улар ота-оналари, қариндошларидан анча йироқда бўлиб, моддий ёрдам олиш учун ҳеч қаврга мурожаат қилолмайдилар. Ўшларни инобатга олган ҳолда 1992 йилда «Ёшлик» шаҳарчаси маъмурий ҳудуд сифатида Собир Раҳимов тумани таркибидан тўзилган дарвоза сўнг 1995 йилда унинг қосида «Маҳалла» жамғармаси, 1998 йилда ётоқхоналарро «Университет» ва «Зиё» маҳаллалари ташкил қилинди.

Жамғарнинг асосий маблаглари бугунга қадар савоатли инсонлар — ҳомийлар ҳисобига жамланмоқда. Ёшларимизга ҳамда шаҳарча бўйлаб қамраб олинган 9 та маҳалладаги муҳтожларга саккиз турдаги озиқ-овқат, кийим-кечак, кераклик уй жиҳозлари ҳам ёрдам сифатида берилди...

Дарҳақиқат, бу ерда бўлган ҳар бир инсон ўзи учун кўп нарсаларни ибрат қилиб олиши мумкин. Масалан, ёшлар иш билан таъминлаш борисидо ижобий отуқларга эришилганини мисол қилиб келтириш мумкин. Шаҳарчанинг ўзидо бир неча турдаги таъмирлаш устаноналари, кийим тикши ательеси, кимёвий тозалаш нуқтаси, саргарошонна, дўконлар, ошхоналар, хаттоки бозор ҳам бор. Мухими, бу жойлардаги ишларни ёшларнинг ўзи тақомиллаштириб келмоқда. Агар талаба бўш вақтида қўшимча даромад олиш истагини билдирса ҳокимлик томонидан тез орада у қулай шароитдаги иш билан таъминланади ёки ёш болали оилалар бўлса уй шароитида иш баҳарши имкониятлари ҳам талайгина.

«Ёшлик» шаҳарчасида талабаларни ижтимоий ҳимоялаш, бўш вақтларини мазмунли ва унумли ўтказишлари учун шароит яратиш, ўқиш ва яшаш шароитларини яхшилаш, иқтисодий аҳолиларнинг ўнгламоқчи бўлганлар учун иш жойлари яратиш, ёшларнинг ҳуқуқий онгини ошириш ва бошқа долзарб муаммолар босқичма босқич амалий тарзда ҳал этилиб келинмоқда. Дарҳақиқат, бу ерда қилинаётган ишларнинг қайси бири билан яқиндан танишмайлик, ҳар бирида ёшларнинг муаммолари ўз ечимини топаётганига тўла ишонч ҳосил қилиш. Биргина анъанавий бўлиб қолган «Жума оқшомлари»дан нафақат шаҳарча ёки туман, балки шаҳримиз, хатто айрим вилоятлар ёшлари ҳам бохабар экани кўпчиликка маълум. Беш йилдан бери мунтазам равишда ҳар ҳафтанинг жума кунлари 3-7 минггача ёшлар иштирокчида ўтказиб келинаётган «Оқшом» тадбирларида шу кунгача кўп танкил хонанда ва созандалар ўз концерт дастурлари билан қатнашиб келмоқда.

Ҳа, «Ёшлик» шаҳарчасида ҳаёти ҳақиқатан ҳам ёшларга хос жўшин ва сермазун кечмоқда ва шундай бўлиб қолишига туман ва шаҳарча ҳокимликлари ҳамда маҳалла фаоллари, савоатли ҳомийлар катта ҳисса қўшмоқдалар.

Мустақиллигимизнинг ўн йили мобайнида Собир Раҳимов туманида юз берган ўзгаришлар ва зафарларнинг санаб адоғига етиш қийин. Ана шунга ишонч ҳосил қилиш учун туман кўчалари бўйлаб сайр қилишнинг ўзи кифоя қилади.

Биз эса қисқа йўлни танладик ва туман ҳокими АТХАМЖОН МИРЗАЛИЛОВдан туманининг ҳаёти ҳақида гапириб беришни илтимос қилдик.

— Узбекистон мустақиллигининг ўн йили мобайнида пойтахтимизнинг ҳар бир туманлари ўз қиёфасини ўзгартириб, бус-бутун қилиб олганда шаҳримизнинг таниб бўлмайдиган даражада бўлишига эришилди. Бугунги кунга келиб бундан бир неча йиллар муқаддам Собир Раҳимов туманининг Эски Жўва қисмидаги тор кўчалар, хатто иккита автобус ҳам қийинчилик билан ҳаракатланадиган кўчаларни, қинғир-қийшқил ва кўрimsиз, гуваладан қурилган уйлари кўз ўнгига келтириб туманининг бугунги жамолига бир боқсангиз мустақиллик йилларида бу ерда нақадар катта ўзгаришлар рўй берганига яна бир бор иймон келтирасиз. Одамлар учун оддий бир қулайликлар ҳам бўлмаган туманда

хоналари ярим йил ичида 7 миллиард 600 миллион сўмлик турли-туман маҳсулотларни ишлаб чиқарди. Шу ўринда «Оникс», «Компрессор», «Тошкентмебель» корхоналари, агрегат заводи ва бошқа корхоналар ишини алоҳида таъкидлаб ўтишни истардим. Бу корхоналар бугунги кунда иш суръатини ошириб, аҳоли эҳтиёжи катта бўлган юксак сифатли маҳсулотларни ишлаб чиқармоқда.

Туманда кичик ва ўрта бизнес корхоналари ҳам ривожланиб бормоқда. Бугунги кунда уларнинг сони 2300 тани ташкил этади. Массулияти чекланган «Олмос» жамияти, «Осиё-Батарея» қўшма корхонаси, массулияти чекланган «Настар» жамияти ва шу сингари бошқа кўпгина корхоналарда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ўзининг юксак сифати, доимо харидорлиги билан ажралади туради.

Шу йиллар мобайнида бизнинг туманда кўплаб маиший хизмат кўрсатиш ишоотлари очилди. Аҳоли жон бошига пулли хизмат кўрсатиш икки баробарга ошганлиги ҳам ушбу фикрга яна бир бор далилди.

— Юқорида келтириб ўтилган далил ва рақамлар замирида инсон тўғрисидаги гамхўрлик ётибди. АТХАМЖОН

МАЪНАВИЯТ

Оилада шаклланади

Парида ПАРМОНОВА, туман «Маънавият ва маърифат» маркази бўлими бошлиғи:

— Туманда маънавият ва маърифат ишларини мунтазам олиб боришга барча шароит ва имкониятлар бор. Бироқ гап уларнинг самараси устида кетганда, баъзи пайтларда бунга аниқ жавоб бериш қийин. Нега деганда қанчалик кенг қамровли бўлмасин тадбирларимиз улар ҳар бир меҳнат жамоаси, ҳар бир ўқув юрти, маҳаллани қамраб олган бўлиши лозим. Менимча маҳаллаларнинг бу йўналишдаги фаолиятини янада тақомиллаштириш керак.

Шундай ҳолларни кузатиш мумкинки, айрим маҳаллаларда тадбирлар бир гуруҳ мунтазам қатнашиб келаётган аҳоли иштироки билан чегараланади. Инсонга ёшидан қатъий назар маънавий озуқа ҳам кераклигини унутмаслигимиз даркор. Бундай ҳолатларга эътиборни кучайтириш лозим. Аммо айрим вақтларда биз, шу соҳа мутахассисларига қараб маънавият ва маърифат марказлари нима учун керак, деган саволлар берилади. Мен нафақат шундай марказ раҳбари, балки оддий фуқаро сифатида айтмоқчиман: марказ ҳам, унинг олиб бораётган ишлари ҳам керак — фақат тарбиянинг қўшимча, яхшиликка ундовчи воситалари қуришида хизмат қилиш учун. Маърифат ва маънавият мезони аслида оилада туғилиб шаклланади.

Бундан бир неча йил аввал хорижий фольклоршунос Якоб Зингер пойтахтимиз мисолида ўзбек миллий урф-одат ва анъаналари билан яқиндан танишиб, шундай деганда: «Мен энг гўзал инсоний муносабатлар, кутлуг анъана урф-одатлар маҳаллада туғилиб, яшаётганига гувоҳ бўлдим. Ўзбек халқининг бағрикенглиги, моҳирлар ёрдамини маънавиятнинг замирида ҳам маҳалла деган тушунча ётар экан. Хорижда бундай гап йўқ. Ҳамма ўзи учун яшайди. Сизларда эса маҳалла одамларни бир-бирига боғлаб туради...»

Дарвоқе, хорижий олимнинг турмуш тарзини хусусида билдирган фикри қанчалик аниқ экани, ҳақиқатан ҳам барчамизнинг оилалар, дўсту биродардан ташқари маҳалла чамбарчас боғлаб тулишига кўп мисоллар келтириш мумкин.

«Гузар боши» маҳалласи илгарилари ўз хунармандлари билан машҳур бўлган бўлса, эндиликда унинг аҳолиси орасида замонавий тадбиркорлар кўпайиб бормоқда. 10 дан зиёд маиший хизмат кўрсатиш нуқталаридан иборат маҳалладаги анги гузар ҳам «Гузар боши» тадбиркорлари қўли билан барпо этилган.

Бу маҳаллага келган кунимиз та гузарда, на яқин атрофдаги ҳовлиларда катталар кўринди. Сабабини маҳалла болаларидан бири 5 ёшли Сардорбек тушунтирди. Кўпчилик шу кун маҳалла хотин-қизлар кенгаши раиси Васси-

Ҳамманинг саъй-ҳаракати билан

қисқа муддат ичида жуда катта ҳажмдаги таъмирлаш ишлари олиб борилди ва эндиликда туман ўзига хос меъморий қўриқлари билан, сақлаб қолинган қайтарилмас шарқона бинолари билан қишлоқларни ўзига мафтун этмоқда. Бундай ўзгаришлар биргина туман кўчасида рўй бергани йўқ. Бу ерда замонавий корхоналар, кичик ва ўрта бизнеснинг янги тузилмалари бунёд этилмоқда. Одамлар онгидо ҳам ўзгаришлар юз берди: улар асрлардан бери давом этиб келаятган ўз анъаналарини, расм-русумларини кўз қорачиқдек асраб, давлатимизда юз бераётган демократик ўзгаришларни, иқтисодий ислохотларни ҳар томонлама қўллаб-қувватламоқдалар.

— АТХАМЖОН ЖАЛИЛОВ, келинг, шу ўринда мисолларга мурожаат қилсак...

— Бундай мисолларни ўнлаб, юзлаб келтириш мумкин. Бизнинг туманимизни Юнусобод ва Чилонзор билан боғлайдиган автомобиль кўприк, Корсарой, Сағбон ва Форобий кўчаларида олиб борилган таъмирлаш ишлари шулар жумласидан. Бу юмушлар учун катта маблаг сарфланди, фидойи меҳнат қилинди. Бундан ташқари жорий йилнинг биринчи ярмидагина 24890 квадрат метр уй-жой фойдаланишга топширилди. Шунингдек, туманда юқумли касалликлар шифокорасини, урология марказини таъмирлаш ишлари ниҳоятда ақилоллик.

«Умид» коллежининг очилиши ҳам биз учун муҳим бўладиган воқеалар сирасига киради. Танкибонек даҳасида янги дехқон бозори бунёд этилмоқда.

— Туманининг иқтисодий жиҳатдан ривожланиш нималарда ўз аксини топтоқда?

— 2001 йилнинг 1 январига бизнинг туманимиз доғдацияда эди. Лекин жорий йилнинг биринчи ярмида биз ўз ўзимизни тўлағичта таъминлаган ҳолда яқинладик. Бинобарин, бюджетнинг 85 фоиз сарф қилини ижтимоий эҳтиёжларга сарфлаш ташкил этмоқда. Бунга биз туманимиз корхоналарининг фазо ишлари тўғрисида эришдик. Туман кор-

Жалилов, Оналар ва болалар йили деб эълон қилинган жорий йилда биринчи навбаторларга эътибор қаратиладиган бўлса керак...

— Албатта. Лекин жамоатчилик, ўз-ўзини бошқариш органлари томонидан қўллаб-қувватлаш бўлмаганда биз барча муаммолар ечимини топишга қийналган бўлар эдик. Биз доимо мадад ва бир-биримизни тушунган ҳолда иш юришамиз. Ўз-ўзини бошқариш органларига бўлиб ўтган сайловлар ҳам мана шу нарсани яна бир бор кўрсатди. Одамлар қатъийли, ақли, иш кўзини билладиган ва уни амалга ошира оладиган оқсоқолларнинг сайланишидан нафақатдор эдилар. Бугун эса натижалар кўзга ташланмоқда. Уларнинг оналар ва болаларга ёрдам кўрсатиш Дастурининг ишчи гуруҳи ишини қўллаб-қувватлаши тўғрисида муайян ишлар қилинди. Жумладан, тумандаги 6 ёшгача бўлган барча болалар ва эмизикли болалар кўриқдан ўтказилди. Болаларнинг 90 фоизи сариқ касаллигига қарши эмланди, туманимиз аёллари мунтазам равишда шифокорлар назоратида турибди. Кўп болали, кам таъминланган оилаларга маблағлар ажратилмоқда. Ёшларнинг маънавий ва маърифий тарбиясига ҳам аҳамият берилмоқда. Бу ишлар фақат мактаб ва коллежларнинг ўзидогина амалга оширилиб қолмай, балки биз ёшларнинг бўш вақтларини яхши ўтказишга ҳам интиломоқдамиз. Худди ана шу мақсадда Мискин маҳалласида Япониянинг Ўзбекистондаги элчихонаси ёрдами билан биёчи ва тикишга ўргатилган «Зиё» маркази ташкил этилди. Мустақиллигимизнинг 10 йиллиги арафасида эса «Чигатоё Оқтепаси» маҳалласи неғизидо туман «Оила» маркази эш бошлади.

Таъмирлаш ишлари ниҳоятда етаётган Абдулла Қодирий номидаги боғнинг фойдаланишга топширилиши ҳам собир раҳимовлиқларнинг Мустақиллик кунига соғваси бўлади. Шаҳримизда давом этаётган обдонлаштириш бўлиғида туман аҳоли ҳам фаоллик билан қатнашмоқда. Бинобарин, Мустақиллик кунини ҳар биримизнинг энг улуғ, энг азиз байрамимиздир, шунинг учун ҳам у ҳамма жойда тантанавор ўтади.

ИСТИҚЛОЛ ВА БИЗ

Садриддин МИРЗАЕВ, тадбиркор:

— Ешим 25 да. Хусусий фирмага қарашли ошхонада ошпазлик қиламан. Бўш вақтларимда шахсий машинадан фойдаланиб қўшимча даромад оламан. Лекин беш қўлимни оғзинга тикмайман. Икки нафар шириндан-шакар қизларим бор. Кичинги ҳали бир ойлик ҳам бўлгани йўқ. Туғилганда чилласи чиққунга қадар тушаётган даромаддан бир қисмини ҳар кун тулаб, маҳалламиздаги кўп болали оилалардан бирига бераман, деб ният қилдим. Катта қизимда ҳам шундай қилгандим. Шу кунгача кам бўлмадик — рўзгоримиз ҳам бут, мана шахсий машиналик ҳам бўлдим. Савобли ишининг ҳосияти бор, дейишлари шу бўлса керак.

Хуллас, ҳозирги пайтда яхши, фаровон яшаш учун кўп имкониятлар бор. Фақат улардан тўғри, унумли фойдалана билиш керак. Тадбиркорликка йўл очилганига келсак, ундан айнақса ёшлар нафақатдор. Ишни бемалол эплаш мумкин, фақат ягона мақсад сари интилиш бўлса, нур устига нур бўлади...

Маҳбуба ва Жўрабек ХОНАЗАРБЕКОВЛАР, 111-мактабнинг 8-синф ўқувчилари:

Маҳбуба: Жўрабек билан амакивачча бўламиз. Амакимининг тўртта фарзанди бор. Бизнинг оилада эса 6 нафар. Оилаларимиз билан Хуррият кўчасидаги бир ҳовлида яшаймиш, хатто рўзгорларимиз ҳам бир. Мўмин бувам ва Адолат бувам бизларга кўп насиҳат қиладилар, айниқса одоб, ахлоқ, дўстлик ҳақида.

Яна бир йилдан кейин мактабдаги дўстлар билан ажралашига тўғри келади. Лекин бу тушунарли: ҳар биримизнинг ўз орзуларимиз бор. Масалан, мен табибий институтга киришни орзу қиламан, аммо олдин ўзимни синаб кўриш учун ўрта махсус ўқув юртида тахсил ололмоқчиман.

Жўрабек: Оилада кичик фарзанд бўлганим учун бўлса керак, келажиким ҳақида ҳали аниқ бир нарса дейишим қийин... Лекин ўқишларим ёмон эмас, физика, математикага қизиқаман. Синфдошларимнинг кўпи «Умид» коллежга кирмоқчи, балки улар билан бирор хунар ўрганиш учун мен ҳам шу ўқув юртига борарман. Менга қолса, адам билан ишлардим. Айтдиларку, ота касбини эгаллаган ўғил ҳеч қачон кам бўлмайди, деб.



«Компрессор» заводда тайёрланаётган маҳсулотларга талаб катта. СУРАТДА: корхонанинг илгор ишчилари Мукаррам Қайумова (ўнгда) ва Алёна Ледомская.

ла Иброҳимованинг тўнғич фарзанди тўй юмушларидо хизматда экан. Суриштириб, Хуррият 1-тор кўчаси бўйлаб йўл олдик. 10-15 хонадон эшиги тугагач, боши берк кўчаннинг якунида дарвоза олдидо безатилган дастурхон атрофида 3-4 нуридан отахон гуруҳининг ўтирарди. Тўйхона эгалари бизларни кўргач, қўрда-қўймай ичкарига тақлиф қилишди. Саранжом-сарашта тўй ховлиси маҳалла деган тушунча ётар экан. Хорижда бундай гап йўқ. Ҳамма ўзи учун яшайди. Сизларда эса маҳалла одамларни бир-бирига боғлаб туради...

сабаби нимада? деган саволни кўнга бердик. Оқсоқол бироз ўйланиб қолди ва оҳиста сўз бошлади:

— Бир сўз билан айтиш қийин, — деди Турсунхўжа ота. — Балки, ҳар бир маҳалладошимга ўз фарзандига, яқинларимга бўлган бирдай муносабатдодир... Мен ҳақимда ҳамма ҳар хил фикр юрилади. Лекин бир нарсани айтиб ўтмоқчиман. Шу маҳаллада нимага эришилган бўлса, барчаси биргаликда, келишилган ҳолда, бамаслаҳат қилинган ишлар натижасидир.

Кўп маҳаллаларда бўлгани каби биз ҳам махсус комиссиялар тузганмиз. Бундай хайрли, савобли ишларга ёшларни ҳам жалб этишга ҳаракат қилинмоқда. Демокриманки, биз аста-секин қаторимизга ўғил-қизларимизни қўшмоқдамиз. Ёшларимиз фақат ўз ўқиш ва ишлари билан банд бўлимай, маҳалла ташвишлари, оилаларнинг муаммолари маҳалла доирасида ҳал этилаётганининг гувоҳи бўлиб қолмай, бир каттадан, бир кичикдан деганларидек, ўз фикр-мулоҳазаларини билдирсалар саз иш бўларди! Ҳозирда маҳалла фаоллари ёшларнинг кўпроқ доимий иш билан бандлигини таъминлаш юзасидан астойдил иш олиб бормоқда. Уйлайманки, яқин кунларда бу борадаги айрим масалалар ўз ечимини топади, айниқса маҳалла тадбиркорларидан умидимиз катта.

...Тўй тўй билан, биз эса ўз мақсадимизга эришдик, бир маҳаллада амалга оширилаётган ишлар мисолида маҳаллаларнинг ҳаётимизда тутган ўрни нақадар салмоқли эканлигига яна бир бор амин бўлдик.

МАҲАЛЛА — ОТА-ОНАНГ ҚАРГ-ҚИММАН МАСКАНИ

сонлар билан гавжум эди: шу кунги келинга тўй келадиган тадбирга тайёргарлик қўрилаётган экан. Кимдир чой ташиган, кимдир ўчоқ бошлади... Тўйхонада барча юмушларга бош-қош бўлиб турган кичик маҳалла оқсоқоли Турсунхўжа Эргашев экан. Четдан туриб, сергайрат отахоннинг ҳаракатларини кузата бошладик. Турсунхўжа ота ўзи сўзлама ҳолда сўзсиз, хатти-ҳаракатлари билан ҳақиқий оқсоқол қандай бўлиши лозимлигини кўз-кўз қилиб турарди. Бироздан сўнг Турсунхўжа ота билан дастурхон атрофида сўхбат қурдик. Отахон вақтини озуқ олмаслик учун ўзимизни таништириб, «Учинчи маротаба маҳалла оқсоқоли бўлиб сайланишингиз

ва ишлари билан гавжум эди: шу кунги келинга тўй келадиган тадбирга тайёргарлик қўрилаётган экан. Кимдир чой ташиган, кимдир ўчоқ бошлади... Тўйхонада барча юмушларга бош-қош бўлиб турган кичик маҳалла оқсоқоли Турсунхўжа Эргашев экан. Четдан туриб, сергайрат отахоннинг ҳаракатларини кузата бошладик. Турсунхўжа ота ўзи сўзлама ҳолда сўзсиз, хатти-ҳаракатлари билан ҳақиқий оқсоқол қандай бўлиши лозимлигини кўз-кўз қилиб турарди. Бироздан сўнг Турсунхўжа ота билан дастурхон атрофида сўхбат қурдик. Отахон вақтини озуқ олмаслик учун ўзимизни таништириб, «Учинчи маротаба маҳалла оқсоқоли бўлиб сайланишингиз



Ўзбекистон Миллий университети мамлакатимизнинг йирик билим даргоҳларидан биридир.

ТАРИХ САҲИФАЛАРИДАН

Андоқ бир шаҳарки жаннатмақондир...

Собир Раҳимов тумани 1970 йил 7 декабрда ҳозирги Шайхонтоҳур ва Юнусобод туманлари ҳамда Тошкент вилоятининг Зангиота тумани ҳудудидан қисман ажратилиб ташкил этилган.

Туман 31 ёшда бўлса ҳам унинг тарихи асрлар билан ўлчанади. Зеро, туманининг асосий қисми Эски шаҳар билан, яъни қадимий Тошкент тарихи билан чамбарчас боғлангандир.

Тошкентнинг бутун ўтмиш тарихи мобайнида шаҳар мудофасига катта эътибор берилган. Унинг мудофа деворлари баянлидиги XVIII аср охирида салкам 8 метр, тепа қисми кенглиги 2 метргача бўлган. Девор айланмаси узунлиги 18,2 километр, шаҳарнинг умумий майдони эса 26,4 квадрат километрни ташкил этган.

XIX аср ўрталарида Тошкент бекар беги шаҳар деворини янгидан таъмирлади. Уша вақтда мазкур деворнинг ўн икки дарвозаси ва 2 та бир отлик кириб чиқишга мўлжалланган тунуғи бор эди. Ушбу дарвозалардан Тахтапун, Лабазак, Сағбон, Чигатоё ва Корсарой деб номланган беш дарвоза ҳозирги Со-

бир Раҳимов туманининг Эски Жўва қисмида жойлашган эди.

XIX аср охирида Сағбон кўчасининг бошлари жойларида қарвонсарой, ҳозирги Табиат музейи ўрнида эса катта мануфактура савдо бирлашмаси, унинг ёнида 1913 йилда биринчи шаҳар шифокораси ташкил қилинган. Эски шаҳарнинг йирик кўчаларидан бўлимиш Зарқайнар кўчасида 1928 йилда ҳозирги Еш томошбинлар театри ҳам очилган. Шу кунларга қадар Зарқайнар кўчасида 1541-42 йилларда Ҳазрати имом (Ҳасимом) номи билан Кафқол Шойийга атаб қурилган мақбара қадимий меъморий ёдгорлик сифатида сақланиб қолган. Ривоятларга кўра, Тошкентнинг Кўча даҳасидан машҳур авлиё Шайх Зайниддин бобо ерости йўли орқали Кафқол Шойийни зиярат этгани қатнаган экан. Кафқол Шойий уста хунарманд ҳам бўлган, қулф ясашда унинг тенги бўлмаган. Айтишларича, шаҳар ҳокими уни синаб кўриш учун пашшага қулф ясаб беришни буюрган. Кафқол Шойий оғирлиги ярим грамм келадиган аjoyиб қулф-қалит ясаганлиги учун «Ал-Кафқол» — «Қулф» лақабини олган экан.

Дарвоқе, гап қулф-қалит устида борар экан, Тошкент дарвозаларининг ҳам олтин қалитлари бўлиб, улар ҳақиқий темир қалитлардан анча кичик — узунлиги 16 сантиметр, оғирлиги 165-167 граммдан ташкил топиб, Тошкентнинг Пичқочилик маҳалласидаги Абдурахмон заргар томонидан ясалган.

Яна шуни ҳам таъкидлаш ўринлики, шаҳар дарвозаларидан чиқарилганда сувсиз кўрган тепаликлар, чақалакорлар бўлган. Аммо шаҳарнинг ичкари томони гўзаллиги, боз-роғлари, хавоси, зилол сувлари билан ажралаб турган. Манбаларга қараганда ҳозирда ҳам мавжуд Кайковус аригининг бошқа сувларга қўшилиш жойларида боғлар бўлиб, ўша ерларда шоирлар, адиблар тўпланишиб, мушоиралар ўтказишган экан. Улар орасида машҳур адиб Зайниддин Восифий (1485-1551) бўлган ва айнан Кайковус атрофи табиати асосида ўзининг «Нодир воқеалар» асарини ёзган. Қуйидаги сатрлар ҳам шу асардан:

Андоқ бир шаҳарки жаннатмақондир, Хижолатдан жаннат сийнаси қондир. Бу кентни ким курса асло жилмагай, Жаннат неъматларин орзу қилмагай...

Саҳибани Ильяири Зайнутдинова тайёрлади.

ТАДБИРКОР

№ 1

Тошкент шаҳор Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатасининг сарҳифси

...Кичик ва ўрта бизнес, хусусий тадбиркорлик мамлакатнинг нафақат ялли ички маҳсулотини шакллантиришида асосий бўлиб, балки аҳоли бандлиги ва даромадлари манбаининг, миллий фаровонликка эришишнинг муҳим омил ҳам бўлиши даркор.
(Президент Ислам КАРИМОВнинг Вазирлар Маҳкамасининг мажлисида сўзлаган нутқидан)

* Бугунги кунда шаҳримизда 19145 та кичик ва ўрта бизнес корхоналари фаолият кўрсатмоқда.
* Жорий йилнинг ярни якунларига кўра кичик ва ўрта бизнес субъектларининг пойтахтимизда ялли ички маҳсулотидagi улуши 43,4 фоизни ташкил этди.

Шарқ дурдоналари

03-03 ЎРГАНИҚ ДОМО БУЛУҲ...

● Инсон қайси ҳунарни ўрганишга киришса уни камолга етказиши лозимдир.
● Тажрибадор одамларнинг маслаҳати билан иш бошлаш — ўйлаган мақсадга етишиш демакдир. Нодон киши билан маслаҳатлашсанг, у сени янглиш йўлга бошлайди.
● Ақлли, тадбирли одам бир марта қилган хатосини иккинчи марта қайтармайди.
● Е олим бўл, ёки ўрганувчи бўл, ёхуд эшитувчи бўл, аммо ҳоҳил бўлма.
● Араб ва бошқа халқ донишмандларининг кўп бор тажрибадан ўтган ўрт ҳикмати бор. Биринчиси, қувватинг ва тоқатинг етмаган ишга киришиб ўзинга заҳмат ва машаққатни юклама, иккинчиси, ўзинга ва халққа манфаати тегмайдиган ишлар билан машғул бўлиб умрингни зоё кетказма, учинчиси, икки юзлама мунофиқ кишиларнинг риёкорона сўзларига ишонма, улар сенга муҳаббатларини намойиш қилиб кўрсатсалар ҳам, кейин сени ташлаб кетишларини унутма, тўртинчиси, мол-дунёнинг, мартабангга мағрур бўлма.
● Жалолдин Румий айтди:
— Инсоннинг моҳияти тилининг айланмасида яшириндир. Бир кишининг ақлини, нодонни, олим ёки жоҳилни эканини унинг сўзлаган сўзидан билинади.
● Олимлардан Фахриддин Розий айтди:
— Тўрт нарса бадбахтлик нишонаси: тиланини қуруқ қайтариш, жоҳил билан сўхбат қилиш, мол-дунё йиғишга хирс кўйиш, рўзғорда оиласини тангликда тутиш.
● Хусайн войиз Кошифий айтди:
— Донишмандлар насихат қилиб шундай деганлар: муруватли, олийжаноб одамларга қўшил, пасткашлардан узил, олийжаноб одам ўз дўстлигини охиригача етказмади. Пасткаш эса кўп йиллик дўстлигини бир дамда қарадоб қилади.
Бир шoir айтди:
Ошно топ, лекин андоғ ошно,
Ким қилур охиригача ахду вафо.
Хонаким девир бўлгай ёғиш хом,
Бир-икки ёмғир билан бўлгай тамом.
● Хикоят: бир киши саҳрода кета туриб бир қудуқ ёнига етиб қолди. Қудуқдан бироз нарироқ ерга қозик қочиб отини боғлади, ўзи қудуқдан сув тортиб ичди ва отига ҳам ичирди, халтасидан озиқ-овқатини олиб еди. Бироз дам олгандан кейин отига миниб йўлида давом этди, аммо қозик қочилганича қолаверди. Бундан сўнг ҳар бир отлик йўловчи шу ерга келган отини ўша қозикча боғлаб қудуқ ёнида дам олиб ўтирарди. Қозик қочқан кишининг бу иши халққа манфаат етказди, шу билан у киши хайрли иш қилди.
Орадан бир қанча вақт ўтгандан кейин бир пийда жуда ташна бўлиб сув ичган шу қудуқ ёнига етиб келишга ошқиди, лекин у халқни қозикча қочиб, боши билан ерга йиқилди. Бошқа пийда йўловчилар ҳам қочиб, ерга йиқилиб тушмасинлар деб у киши дарҳол қозикчи олиб ташлади. Ўша атрофда турвчи донолардан бири бу ҳолдан хабардор бўлиб айтди:
— Қилган ишлари бир бирига зид бўлса ҳам ҳар икки йўловчининг ниятлари хайрли эди. Халқ манфаатини кўзлаб қилган иш мақбул ва марғубдир.
● Абдурахмон Жомий айтди:
— Аншурвон мажлисида донишмандлардан румли, ҳиндли ва эрон донишманди Бузургмехр ҳозир эдилар. Сўхбатлашиб ўтирар эканлар сўз «Хамма нарсадан оғирроқ, қаттикроқ нарса нима?»— деган саволга келиб етди. Румли донишманд:
— Қариллик, танглик, йўқчилик, — деди, ҳиндли:
— Касалик, гам-андух, — деди. Бузургмехр:
— Хамма нарсадан оғирроқ ва қаттикроқ нарса — ажалнинг яқинлашиб қолиши ва ҳаётда яхшилик қилмай, ёмон номга эга бўлиб вафот қилиш, — деди.
Мажлисдагиларнинг ҳаммаси Бузургмехр фикрига қўшилдилар.
Байт:
Ҳожиқ табиби хушбўй тан ранжига даводир,
Омио тунд, бадхўй эл жонига балодир.
● Олимлардан Али Ирфон айтди:
— Адолат — фазилатлар фазилатидир. Одил бўлмай эолим бўлган киши ҳеч вақт қомил, фозил ва мўтабар бўлмайд.Адолатсизлик — саодатнинг заволи, йўқчилик давлатчасидир. Агар инсофли, адолатли бўлсанг халқ қошида катта обрўга эга бўламиз, хамма бизга ишонади, сўзимиз, ишимиз халқ қошида мақбул ва мағрур бўлади. Шунинг учун ҳеч кимга зулим, ҳақсизлик қилмасдан инсоф ва адолатни ўзимизга раҳбар қилиб олишимиз лозимдир.
Байт:
Истайсанким етмағай сенга бало,
Бермағай ҳеч кимга озору жафо.
● Ҳиндистон олимларидан Сайид Ашраф Али айтди:
— Қадимги Эрон шоҳларидан Аншурвон ёшлик пайтида одил шох эмасди, зулмага, жабура жафога йўл қўярди. Бир кунги вазири машҳур донишманд Бузургмехр билан саҳрода кетаётганида бир ерда бир қанча бойқушларнинг икки томонга бўлиниб саф тортиб турганларини кўришди. Уртада икки бойқуш бир-бири билан баҳслашиб, мунозара қилиб турган эди. Аншурвон бу ҳолдан хайратга тушди, вазири Бузургмехрдан:
— Сизни қомил донишманд, хайвонлар қайфиятидан ҳам хабардор олим деб биламан. Бу бойқушлар нега икки томонда саф тортиб турадилар? Ўртадаги икки бойқуш нима тўғрисида сўзлашадилар? — деб сўради.
Бузургмехр жавоб берди:
— Икки томон бир-бирига қудуқ бўлмади, ўртадаги баҳслашиб турган икки бойқушнинг бири қувенинг, иккинчиси қизининг отасидир. Қизининг отаси: — Қизимнинг қалини учун 40 та хароб вайрона жойни беришингиз керак, агар сўраганимни қабул қилмасангиз, сизни ўлингизга қизимни бермайман, сиз билан қудуқ бўлишни истаймайман, — дейди. Қувенинг отаси эса:
— Мен албатта қизингизга қалин беришдан бош тортмайман. Ҳозирча қалин учун тўртта вайрона тайёр, шуларни ола туринг. Ҳозирги шох доим айшу ишратдадир. Мамлакатнинг ҳолидан хабарсиз, камбағал бечораларнинг аҳолига, доду-фарёдага қулроқ солмайди, золимларнинг зулмини даф қилмайди, одил шох эмас. Агар у шу аҳволда кетаверса бу юрт тезда харобазорга айланади. У вақтда сизга 40 та эмас, 80 та вайронани қалин учун бераман, бироз сабр қилинг, — дейди. Қув билан келинининг оталари шу масала устида сўхбатлашиб турадилар.
Бузургмехрнинг сўзи Аншурвонга жуда яхши таъсир этди, саройига қайтиб адолат ва инсофни шундай маҳкам бунёд қилдики, то шу вақтгача халқ унинг номини «Аншурвон одил» деб айтди.
Байт:
Зулмдур бир балойи дил озор,
Гар наҳот истасанг балодан кеч.

ФАРОВОНЛИК ТАЯНЧИ

Тадбиркорликни иқтисодиёт гилдираги ҳам дейишади. Зеро, кичик ва ўрта бизнес кенг ривожланган мамлакатлар иқтисодий тараққиётнинг ҳам чўққисига чиқиб олишган. Масалан, АҚШ да кичик ва ўрта бизнес корхоналари мамлакатда эса 67 фоизни ташкил этар экан.

Аҳолини иш билан таъминлаш борасида ҳам тадбиркорлик муҳим роль ўйнар экан. Жумладан, Японияда кичик ва ўрта бизнес тармоқларида иш билан банд бўлган аҳолининг 80 фоизи, Европа Иттифоқи мамлакатларида — 70 фоизи ишлар экан.

Диққатга молик яна бир жиҳатни ҳам айтиб ўтиш ўринли. Ички бозоримизни истемол моллари билан тўлдириш, аҳолига турли хизматлар кўрсатиш, мамлакат экспорт салоҳиятини ўстириш, иш жойларини янги ресурсларининг ўсишига мутаносиб равишда кенгайтириш бориш, аҳоли реал даромадларини кўпайтириш масалаларини муваффақиятли ҳал эта бориш ҳам шу тадбиркорлик, яъни кичик ва ўрта бизнес ривожига вевосита боғлиқ.

Республика Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил биринчи ярмида мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ақуналари ва иқтисодий ислохотларнинг боришини баҳолашга бағишланган мажлисида келтирилган юқоридаги фактларни бежиз келтирмадик. Зеро, жаҳон тажрибаси тадбиркорликни кенг ривожлантирмай туриб, иқтисодиётда кескин бурилишларга эришиш мумкин эмаслигини кўрсатиб турибди. Яъни кичик ва ўрта бизнес корхоналари ялли маҳсулотини камда яримдан кўпрогини ишлаб чиқаришни таъминлаш нафақат иқтисодий, балки сиёсий масала ҳамдир.

«Сиёсий мустақиллик, — дея таъкидлади шу муносабат билан Президентимиз Вазирлар Маҳкамасининг мажлисида, — ривожланган, ўзаро мутаносиб, тўлақонли иқтисодиёт билан мустақамланмас экан, у бор-йўғи қуруқ, бандларвез гаплар, сохта оёр ортириш воситасига айланб қолаверади».

Шунинг учун ҳам Ўртбосимиз Истиклолнинг дастлабки йилларида-ноқ шу соҳага алоҳида эътибор бериб келаётгани маълум. Мамлакат-

ликни зарур даражада ва микёсларда ривожлантиришга ҳалақит бераётган тўсиқлар аввистоси фох этилди, қаттиқ танқид остига олинди.

Биринчи навбатда ҳукумат асосларини янада мустақамлаш ва тақомиллаштириш масаласи кун тартибига кўйилди. Шу муносабат билан кенг аҳолига тушунарли бўлган ҳуқуқий ҳужжатлар тўпламларини нашр этилиши бўйича йўл-йўриқлар кўрсатилди. Айниқса, кичик ва ўрта бизнес субъектларини рўйхатга олиш тартибини соддалаштиришга алоҳида эътибор қаратилди. Бу соҳадagi фидоратик, санит-салорлик тўсиқларини бартараф этиш юзасидан зарур чоралар белгиланиши таъкидланди. Тадбиркорлик соҳасини коррупцияга тазйиқидан, ҳуқуқ, назорат, текириув ва тафтиш тузилмаларидаги айрим мансабдорларнинг ўзбошимчиликларидан ҳимоя қилди-ган меъёрий ва ҳуқуқий ҳужжатлар ишлаб чиқишини тезлаштириш вази-фаси кўйилди.

Хуллас, мамлакатимизда тадбиркорлик, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш учун қудай муҳитни шакллантиришда янги, жиддий кадам кўйилди. Бундан аҳолининг фаол қисми, иқтисодиётни ривожлантиришга ўз хиссаларини қўша оладиган омили-кор табақалар кенг фойдаланишлари, маҳаллий ҳокимият органлари, тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга даъват этилган давлат ва жамоат тузилмалари эса бу ишда уларга яқиндан ёрдам беришлари тақозо этила-ди.

Маълумки, пойтахтимизда ҳам тадбиркорлик ҳаракати кенг ривож топиб келаяпти. Хамма соҳада бўлгани-дек, кичик ва ўрта бизнес корхона-лари тармоғини кенгайтиришга, уларнинг маҳсулот ишлаб чиқаришдаги салоҳиятини оширишда салмоқли натижалар қўлга киритилди. Энди-ги вазирамиз шу соҳада янги-янги марраларга эришиши, тадбиркорлик билан шуғулланиш истганини билдир-ган ҳар бир фуқаро учун кенг имко-ниятлар яратиб беришдан иборат. Бунинг учун жуда катта ташкилий, тарбиявий ва ташвиқот-тушунтириш иш-лари олиб бориш билан бирга шу йўлда катта рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлаш ишларини ҳам йўлга қўйишимиз керак. Шундагина иқтисодиёт гилдираги бўлиши тадбиркорлик, кичик ва ўрта бизнес корхоналари иши дидил олға силжийе-ради.

Саид ВАЛИЕВ

Кичик ва ўрта бизнеснинг ривож топиши бозор ислохотларининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Пойтахтимизда ана шу тармоқни ривожлантириш борасида амалга оширилётган ишлар хусусида шаҳар Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси раиси вазифини бажарувчи Садриддин ҲАКИМОВ билан мулоқотда бўлдик.

— Сухбатимизни ракамларга муражаат этишдан бошласак. Жорий йилнинг 1 июлига қадар пойтахтимизда кичик ва ўрта бизнес билан шуғулланувчи 22382 юридик шахс рўйхатдан ўтган. Ваҳоланки, ўтган йилнинг шу даврида бу ракам 25750 тани ташкил этарди. Буни қандай изоҳлайсиз?

— Фаолият кўрсатмаётган корхоналар олдидан тугатилмоқда. Гап шундаки, бундан 4-5 йил аввал жуда кўплаб янги тадбиркорлик субъектлари рўйхатга олинган эди. Тажриба шуни кўрсатдики, фирма очиб осон, лекин унда ишни йўлга қўйиш қийинроқ. Жуда кўплаб янги иш бошлаган тадбиркорларда оддий билимлар етарли эмас, низоам жамғармасини

МУСОҲАБА

Кичик бизнеснинг иқтисодиётдаги ўрни

шакллантиришни охирига етказиш имкониятига эга эмас, рақобат бозорига ўз ўрнини топа олмапти.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, рўйхатдан ўтган кўпчилик (75,4 фоиз) тадбиркорлар савдо-сотиқ фаолияти билан шуғулланишни афзал қўришади, ундан кейин эса ишлаб чиқариш, қурилиш, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлайдиган кичик ва ўрта корхоналар ўрин тутади. Кўпчилик тадбиркорлар юридик шахсларни ташкил қилмасдан, мурақаб бугалтерлик ҳисоб-китобидан қочиб, белгиланган солиқларни тўлаш билан кифояланиб қўя қолади.

— Бугунги кунда кичик ва ўрта бизнес субъектларининг пойтахтимизда ялли ички маҳсулотидagi улуши қандай?

— Жорий йилнинг биринчи ярми ақуналарига кўра бу улуш 43,4 фоизни ташкил этди, ўтган йилнинг шу даврида бу ракам 39,2 фоизга тенг эди. Кичик ва ўрта бизнес корхоналари сонининг қамийишига қарамай, ишдаги сифат кўрсаткичлари ўсиб. Шу аснода 8458 та, шу жумладан, хотин-қизлар учун 2537 та янги иш ўринлари яратилди. Таркибида 28 та корхона кирган маҳаллийлаштириш дастури амалга ошириди. Экспортга мўлжалланган ва импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқариш давом этмоқда.

— Яқинда бўлиб ўтган Республика Вазирлар Маҳкамасининг йилги-ишда Президентимиз тадбиркорликни ривожлантириш йўлидаги муаммолар хусусида ҳам алоҳида тўхталди. Уларни ҳал этиш борасида қандай чора-тадбирлар белгиланмапти?

— Муаммолардан бири бекор турган ишлаб чиқариш майдонлари ва ишла-тилмай ўтган асбоб-ускуна-лардир. Улардан фойдала-нишда тадбиркорларга им-коният яратиш мақсадида ҳозирда туманлар бўйича рўйхатга олиш ишлари олиб боришмоқда. Давлат мулк қўмитаси шаҳар бо-шқармаси билан ҳамкор-ликда тадбиркорлар учун «Норма-бухгалтер» элект-рон дискетларда ҳужжатлар тўла пакетини тайёрлади. Туманлардаги барча пала-талар «Мароқанд» кўп тар-моқли ахборот маркази орқали кунига қонунчилик базасидаги ўзгаришлар, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, халқаро кредит линиялари, лизинг бўйича ускуналар етказиб бериш, аудиторлик хизматлари ҳақидаги ахборотлар билан таъминланмоқда. «Тадбир-

вис» масъулияти чекланган жамияти цемент, «Ад-Ил» хусусий фирмасига матбаа қозони ва картон сотиб олиш-да ёрдам берилди, хусусий тадбиркорларга газ ва электр энергияси бўйича лимитлар ажратилди. Бундай мисоллар-ни кўплаб келтириш мумкин. Кичик ва ўрта бизнес субъект-ларига «Узултуржибиржасав-до»нинг тадбиркорлар учун моддий-техник ресурслар со-тиш билан шуғулланувчи кор-хоналари рўйхати бўлган ах-борот бюллетени тақдим этилди.

— Келгусида шаҳар Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси асосий эътиборни нималарга қаратади?

— Палата ишлаб чиқариш фирмаларига ҳар томонлама ёрдам беришни фаоллашти-риш зарур. Масалан, солиқ масаласини олайлик. Тўлов-ларнинг ҳамма турлари оли-наётган фойданинг қарийб 70-80 фоизини ташкил эта-ди. Бу корхонанинг ривожла-ниши у ёқда турсин, ҳатто яшаб кетишга ҳам имкон бермайди. Шунингдек, аванс тарикасидаги солиқ тўловла-ри тизими ҳам ривожланиш-га тўсқинлик қилмоқда. Ик-кинчидан, молиявий маблағ олишга эҳтиёж жуда катта бўлишига қарамай, кредит олишни хоҳловчилар сони камайиб бориши тенденция-си кузатилади. Шу муносабат билан биз бу борада бир қатор конструктив тақлифлар киритганмиз. Ҳозир кичик ва ўрта бизнес бўйича янги субъектларни ташкил этиш тадбирларини соддалашти-риш билан боғлиқ муаммолар ҳам ишлаб чиқилмоқда. Шунингдек, хорийж инвестици-яларни жалб этишга, маҳсу-лот экспортини кўпайтириш-га, иқтисодиёт тармоқлари доирасида корхоналар тарки-бини қайта қўриб чиқишга, тадбиркорларни қўллаб-қув-ватловчи тузилмалар фаоли-яти мониторингини ташкил этишга эътиборни қучайти-риш керак бўлади. Энг муҳи-ми, режаларимизнинг қозо-да қолиб кетмаслигиндир.

— Шарифа ИЛЁСОВА сўхбатлашди



Пойтахтимиздаги «VISO» Ўзбекистон—Австрия қўшма корхонасининг иш бошлаганига эндигина тўққиз ой бўлди. Лекин ушбу корхонада тайёрланаётган рақобатбардош, сифатли поабзалларнинг нафақат мамлакатимизда, балки хориджа ҳам ўз харидорлари бор. Бу муваффақиятга улар бозорни ўрганиш, изланиш ва интилиш туфайли эришмоқдалар. Шунинг учун айтишадилар: «Излаган имкон топади» деб.

СУРАТДА: корхонанинг тадбиркор ва изланувчан раҳбари — бош директор Абдувоҳид Аҳмедов корхонада тайёрланаётган маҳсулотлар билан.

Тоҳир Ниғматуллин олган сурат.

Амалий жавоб

◆ Гулчехра ХАБИБУЛЛИНА, «Хабигул» хусусий корхонаси раҳбари:

1995 йилдан буён фаолият кўрсатаётган бўлсак, маҳсулот ишлаб чиқараётганимизга уч йилдан ортди. Турмушимиз, кундалик уй-рўзғор учун зарур бўлган, арзон ва сифатли ювиш ва тозалаш воситалари ишлаб чиқарамиз. Энг муҳими, уларни тайёрлашда маҳаллий хом ашё — иккиламчи маҳсулотлардан, табиий, соғлиққа бе-зарар, экологик тоза ўт-ўланлардан фойдаланамиз. Жорий йилнинг ўтган ярми-да 4 миллион сўмлик маҳсулот тайёрладик.

Яратилаётган имкониятлардан кенг фойдаланиб «Трастбанк»нинг пойтахт

Харидорини топмоқда

Ҳамза туманида фаолият кўрсатаётган «TINIAL» хусусий корхонасининг ташкил топганига ҳам кўп вақт бўлгани йўқ. Лекин тадбиркорлик билан иш юритаётган бу ишбилармонлар ишлаб чиқараётган замонавий ва рақобатбардош қурилиш материалларининг харидорлари ортиб бормоқда.

Юқсак умумли ва жаҳон андозалари даражасида-ди маҳсулотлар тайёрла-диган хорийж линиялар билан ҳиҳозланган корхо-нада ҳозирда 10 нафар ишчи меҳнат қилмоқда. Уларнинг баракали меҳнат-лари билан алюмин, никель ва нитротитандан бюорт-мачи талабига кўра вит-раж, ашиқ, ром ва турли шаклдаги дезазалар иш-лаб чиқарилмоқда. Ўтган қисқа давр ичиде улар «Авиасозлар» ҳамда «Чорсу» бозорлари, «Уздонмаҳ-сулот» корпорацияси бу-юртмаларини муваффақи-ят билан уддаладилар.

— Биз ўз олдимишга иш-лаб чиқаришни кенгайти-риш, қўшимча ишчи ўри-нларини яратиш, ёшларни ўқитиш ва касб сирларини мукамал эгаллашларида

Дилноза ГИЁСОВА



«Дероз» хусусий фирмасида ишлаб чиқарилаётган қандолат маҳсулотлари ўзининг сифати билан ажралиб туради.

СУРАТДА: илгор ишчилар Зулхумор Жўраҳўжаева, Нигора Аҳмедова ва Малоҳат Расулвалар вафилли шоколад тайёрлаш линиясини мохирлик билан бошқаришмоқда.

Сергей Любич олган сурат.

